**Ушбу сонда:**
2 БУЛУНҒУР МЕВАСИ-ХОРИЖГА
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ ВАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 7 август, чоршанба №126 (1343)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Олий ислом кенгаши раиси Шайх Муҳаммад Ҳишом Каббоний раҳбарлигидаги делегация аъзолари 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.***

Суҳбат чоғида мамлакатимизда қарор топган диний бағрикенглик ва турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Шу куни меҳмонлар Тошкент ислом университетига ҳам ташриф буюрди. Делегация аъзоларига мазкур олий ўқув юртининг фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

**(ЎзА).**

# ЯПОНИЯ ЭЛЧИСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАНДИ

***Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлаб, юртига қайтмоқда.***



Шу муносабат билан элчи хонимни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари К.Накаяманинг Ўзбекистондаги фаолиятини юксак баҳолади.

Маълумки, давлатлараро муносабатлар қай йўсинда ривожланиши кўп жиҳатдан дипломатларга боғлиқ. Киоко Накаяманинг Ўзбекистондаги фаолияти бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. У элчилик қилган даврда Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари юксак даражада ривожланди. Ўтган ой сўнггида эса, Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Японияда меҳмон бўлди. Ушбу ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик ҳамда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотлар имзоланди, ўндан ортиқ турли ҳужжатлар қабул қилинди.

Ислом Каримов бу хайрли тадбирларнинг барчасида Киоко Накаяманинг улкан улуши борлигини, Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожида элчи хоним алоҳида ўрин тутишини таъкидлар экан, келгусидаги фаолиятида унга омад ва муваффақият тилади.

Киоко Накаяма ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, ватанига бой таассуротлар билан қайтаётганини алоҳида қайд этди.

Таъкидламоқ жоизки, Киоко Накаяма элчилик қилган даврда Япония томонидан Ўзбекистоннинг айниқса таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига кўплаб грантлар ажратилган. Элчи юртига қайтиш олдидан яна бир шундай хайрли ишни амалга оширади. 7 август куни пойтахтда у яна уч грантга имзо чекади. Япония ҳукуматининг кичик ҳажмли лойиҳаларга беғараз ёрдами доирасида ажратилаётган бу грантларнинг умумий қиймати 139,966 минг АҚШ долларига тенг.

**(ЎзА).**

## *Ислоҳот мевалари*

***«Деҳконобод» - Пайариқ туманининг энг йирик хўжаликларидан бири. Унинг ерлари Қўшработ тумани билан чегарадош, сув йўлининг этагида жойлашган. Бу ҳол деҳончилик учун бироз нокулайлик, қийинчилик туғдиради. Шунга қарамасдан хўжалик аъзолари астойдил тер тўкишлари эвазига кўзланган режалар бажарилиб, юксак турмуш фаровонлигига эришилмоқда.***

# ДЕҲҚОН ПУЛГА ЁЛЧИДИ

— Кейинги 2-3 йил ичида сув танқислиги оқибатида мураккаб аҳвол юзага келди. Ўтган йили фақатгина пилла топшириш шартномавий режаси бажарилди. Табиий қийинчиликлар туфайли бошқа соҳаларда кўзланган ҳосил олинмади. Оқибатда катта молиявий зарар кўрилди. Шунинг таъсирида ижтимоий соҳада ҳам оқсаш рўй берди.

Бироқ, хўжалик аъзолари қолоқликдан қутилиб, илғорликка эришиш йўлини тутдилар. Қийинчиликларга қарамай, хўжаликда техника паркини янгилаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича анчагина ишлар қилинди. Айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилаларга алоҳида моддий ёрдам кўрсатилди. Қишлоқларни тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ишлари давом эттириляпти. Яна икки километр узунликда қувурлар ётқизилса, қишлоқларни газлаштириш режаси ҳам уддаланади. Маҳаллалар обод бўлиб бораяпти. Ўнлаб маиший хизмат, савдо, маданият масканлари ишлаб турибди.

— Бу йил деҳқончилик учун иқлим жуда қулай келди, -дейди хўжалик бош иқтисодчиси Б.Рўзиев. - Жумладан, пилла ва ғалла етиштириш бўйича шартномавий режада белгиланганидан зиёд ҳосил олинди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Пиллачилик ва ғаллачиликдан олинган фойда ҳисобидан ўтган йилги иш ҳақидан қолган қарзлар ҳам тўлаб борилмоқда.

Бу йил деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги анча ошиши кутилмоқда. Дастлабки натижалар ана шундан далолат беряпти. Н.Аҳмедова, О.Эргашева бошлиқ пиллачилик звенолари, ғаллачиликда Д.Маматқулов, Ш.Михлиев каби пудратчилар каттагина даромад олишди. Бундай илғорлар хўжаликда анчагина. Ҳисоб-китобларга кўра, бир гектар ғаллазордан олинган ўртача даромад 400 минг сўмни ташкил этган.

— Фаолиятимизга танқидий назар билан қараётганимиз фойдадан холи бўлмаяпти, - дея суҳбатни давом эттирди хўжалик бошқаруви раиси И.Қозоқбоев. — Иқтисодий-молиявий қийинчиликлар туфайли техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоялаш ишларига эътибор анча сусайган эди. Аниқроғи, имкониятларимиз етмади. Пилла ва ғалладан фойда олиниши нақд бўлгач, касаба-бақўм фаоллари билан кенгашиб, жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларни бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Р.РУСТАМОВ.**

***Хатирчи тумани Аҳмад Ёрлақабов номидаги ширкат хўжалигида 600 нафар ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи қурилиши ниҳоясига етмоқда. 32 та ўқув хонаси, 10 та компьютер ҳамда турли фан кабинетлари мавжуд коллежга ўқувчилар қабул қилиш ҳам давом этмоқда.***

## ЁШЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

*Коллежда менежмент, тадбиркор, фермер, ҳисобчи, маркетинг, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳайдовчиси, таъмирловчи каби ўндан зиёд мутахассислар тайёрланади. Қурилишни Навоий вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли Хатирчидаги 14-кўчма механизациялашган жамламаси амалга оширмоқда. Ҳозиргача қарийб 300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бинони зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга киришилди.*

*Коллеж мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида ишга туширилади.*

**(ЎзА).**

# АМУДАРЁ СОҲИЛЛАРИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясида Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди бўлмиш бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш қанча-қанча меҳнат ва машаққатни талаб этади.

Атрофи тўқайзорлар билан ўралган асрий қумликлар орасидан ўжар Жайҳун тўлқинланиб оқади. Эл-юртга оби ҳаёт бағишлаётган Амударё бағри тўлиб бораётганлигини кўриб қорақалпоқ деҳқони қалби қувончдан энтикади.

Уч йилдан бери юз бераётган қурғоқчиликка қарамасдан Орол бўйида деҳқончилик илмини пухта эгаллаган, ўз меҳнати билан ҳаммани қойил қолдираётган тадбиркор деҳқонлар кўплаб топилади. Жумладан, хўжалигимиз миришкорлари ҳам табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб келишаяпти.

Далаларимизда деҳқончилик қилишнинг мураккаблиги шундаки, хўжаликнинг ўртасидан дарё оқиб ўтади. Экин майдонлари, қишлоғу овуллар азми наҳрнинг икки соҳилида жойлашган. Тажрибали мутахассис Саъдулла Жумамуратов раислик қилаётган меҳнат жамоасига 536 нафар пудратчи бирлаштирилган бўлиб, 912 нафар киши ишлайди.

1600 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалик бултур 2000 тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, режани ошириб бажардилар. Жорий йилда пилла ва дон тайёрлашда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Оилавий пудрат усулининг жорий этилганлиги ерга эгалик ҳиссини кучайтирди, моддий манфаатдорлик ва топширилган ишнинг пировард натижаси учун масъулиятни оширди.

*Оролбўйи одамлари*

Меҳнатдан манфаат кўраётган деҳқон янада яхшироқ ишлашга интилади. Бултур 483 нафар пудратчи пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини уддалаган бўлса, бу йил 500 дан ортиқ оилавий жамоалар далаларида ғўза ривожи баравж.

Гулбаҳор Холмуратова бошлиқ пудратчилар 346 минг ўрнига 617 минг сўм даромад олдилар. Наргиза Ибрагимова, Умида Тўрабоева, Алишер Каримов, Аллаёр Сапаев, Ўктам Шомуратов, Пўлат Бегимов каби пудратчилар эришган иқтисодий кўрсаткичлар эса янада юқори.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларимизни ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини тиклаш имконини бермоқда. Мисол учун ўтган давр ичида 30 нафардан ортиқ пудрат аъзолари мамлакатимизнинг марказий оромгоҳларида дам олиб саломатликларини тикладилар. Касаба уюшма қўмитаси томонидан кам таъминланган оилалар, ногирон ва якка- ёлғиз кексаларга 200 минг сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси тузган шартномага асосан йил якунида юксак кўрсаткичларга эришган пудратчилар гилам, телевизор, радиомагнитофон ва 100 минг сўмгача пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

**Мурод ХОЛБОЕВ,**
**«Қипчоқ» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

Нукус шаҳрининг 70 йиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Шаҳардаги кўча ва хиёбонлар, майдонлар ва истироҳат боғлари кун сайин чирой очмоқда. Янги, равон йўллар шаҳар кўркига кўрк қўшаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 майдаги қарорига мувофиқ, шаҳарнинг «Халқлар дўстлиги» майдонини қайта таъмирлаш ишлари поёнига етказилмоқда. Бу ерда 287 миллион сўмлик ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ишларни «Довуд» акционерлик жамияти қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, «Зияда-А» хусусий фирмаси ўз зиммасига олган.

## ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

- Ободонлаштириш ишларини белгиланган муддатда бажариш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз,- дейди «Зияда-А» фирмаси устаси Мажид Қозоқбоев. - Майдон эндиликда нафақат маҳаллий аҳоли, балки хориждан келаётган меҳмонларнинг ҳам севимли дам олиш масканига айланиши шубҳасиз. Айни пайтда фавворалар тўла таъмирланмоқда. Мармар плиталар, бетон йўлакчалар ётқизилмоқда, ям-яшил чим ўстирилляпти. Майдон ўртасидаги дўстлик рамзи бўлган ҳайкал таъмирдан чиқарилди.

Бунёдкорлар майдонни мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами кунига тўла таъмирдан чиқаришни режалаштирган.

**(ЎзА).**

## *Хабарлар оқимидан*

### ФЕРМЕР ҲИММАТИ

Ўзбекистон туманидаги «Одилжон» фермер хўжалиги раҳбари Аъзамжон Маҳмудов савобли ишга қўл урди. У Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Сулаймон қишлоғилик 30 нафар нуронийга ўзининг хусусий чойхонаси ва сартарошхонаси хизматларидан бепул фойдаланиш имкониятини яратди. Шу билан бирга фермер қишлоқ ҳудудидаги 6 нафар ногирон ҳолидан хабар олиб турибди.

### ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Халқимизда «тўйга тўёна билан» деган нақл бор. Бунга амал қилган бешариқлик тадбиркор Ғайратжон Орипов жонажон Ўзбекистонимизнинг 11 йиллик байрамига совға сифатида туман марказида ўз ҳисобидан икки қаватли савдо шохобчаси бунёд этди. Янги бинонинг биринчи қаватида салқин ичимликлар ва музқаймоқ савдоси ташкил этилди. Иккинчи қавати эса туман ёшларининг мароқли дам оладиган жойига айлантирилди.

### «НУРОНИЙ» АНСАМБЛИ

Марғилон шаҳар ногиронлар жамияти ва «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорликда «Нуроний» ансамблини ташкил этишди. Дастур асосан Маматбува ҳофиз, Мамадали ҳофиз, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар ижро этган мумтоз қўшиқлардан тузилган. Ансамблнинг мақсади катта ашула жанрини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

### ТЎРТ ЙИЛДА УНДИРИЛГАН

# ТОВОН ПУЛИ

Тонг ёришмоқда. Говмишларни меҳр билан кўздан кечирган Оққиз Нуртоева соғишга киришиш олдидан ўзини ёмон ҳис қилди. Базўр дам олиш хонасига кирдию... Кўзини очганида оқ халатли кишилар атрофида парвона бўлишаётганди. Дастлабки хулоса шундай бўлди: 23 йиллик меҳнат толиқтирган, ногиронликка ўтказиш керак.

Қишлоқ одамлари оқ кўнгил, ишонувчан, ориятли бўлишади. Баъзида бировнинг юзига тик қараш, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишни негадир ўзларига эп билишмайди. Моҳир чорвадор мутасаддилар у товон пули олиши лозимлигини уқтиришганида ҳам қатъий ҳаракатга тушмади. Бир куни Андижон вилоят ветеринария бошқармасининг Қўрғонтепа туман бўлими томонидан 1997 йил августида берилган баённомадан воқиф бўлиб қолди. Унда Оққиз фермада сут соғувчи бўлиб ишлаган кезларда қорамолларнинг муайян қисми бруцеллёз касаллиги билан оғриганлиги қайд этилганди.

Қаранг, туман зооветеринария хизмати ходимлари ўз айбларини ёпиш, чорва моллари орасида бундай касаллик бўлганлигини яширишга уринишган. Кимларнингдир лоқайдлиги, ўз бурчига совуққонлиги оқибатида О.Нуртоева касалманд бўлиб қолди. Тез-тез Тошкентдаги касб касалликлари клиникасига бордам, мадад кўрсатиш ўрнига хўжаликнинг тўлов қобилияти йўқлигини баҳона қилди. Энг тажжубланарлиси, касабақўм раиси М.Ҳамроқулов ҳам ўзини четга олди. Ахир у биринчи навбатда меҳнаткашнинг ёнини олиши, товон пулини ундириш учун ўзи биринчи навбатда жон куйдириши лозим эмасмиди? Шунинг учун бўлса керакки, хўжаликда касабақўм раисининг бор йўқлиги сезилмайди...

Шу куйи чорвадор тўрт йил хўжалик мутасаддилари ҳузурига қатнай-қатнай чарчади. 2001 йили Тошкентдаги касалхонада яна даволаниб, тегишли ҳужжат билан қайтгач, хўжаликда бўлганида эски манзара қайтарилди. Кайфияти тушиб, қўли ишга бормай қолган Оққиз Нуртоева яхши одамлар маслаҳати билан туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига учрашди. Тажрибали мутахассислар муштипар аёлнинг дил сўзларини берилиб тинглагач, ҳаракатга тушдилар. Улар Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари тўғрисида»ги қарорини дастуриламал қилиб олдилар. Саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Ҳақ жойида қарор топди. Мутахассислар О.Нуртоева фойдасига ширкатдан етказилган зарарни қоплаш учун ҳар ойда 7566 сўмдан, 3 ойда эса жами 22699 сўм ундирилиши, жорий йилнинг августидан иш ҳақларининг ошиши ҳисобига 2001 йил май ойига қадар бир ойда 10593 сўмдан товон пули тўланиши ҳақида далолатнома туздилар.

Инсон азиз. Уни ардоқлаш, меҳнатини қадрлаш, касал бўлиб қолганида дардига малҳам бўлиш аввало раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Буни билатуриб «Қўрғонтепа» ширкат хўжалиги мутасаддилари касалманд, муштипар аёл тақдирига бефарқ, беписанд қарадилар. Оқибатда собиқ чорвадор ўзига тегишли бўлган товон пулини ололмай тўрт йил овораи сарсон бўлди...

**Абдулҳақ ИБРОҲИМОВ,**
**Қўрғонтепа туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси,**
**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# БУЛУНҒУР МЕВАСИ - ХОРИЖГА

Ўзбекистон - Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонасининг «Булунғур меваси» ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсата бошлаганига беш йил бўлди. Мевани қайта ишлайдиган мазкур корхонанинг маҳсулоти бугун Оврупода ҳам довруғ қозонмоқда. Бу маҳсулотлар ёрлиғидаги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув кўнгилни чексиз ифтихорга тўлдиради.

Корхонада асосан олма, беҳи, нок, карам, пиёз, булғор қалампири, лавлаги, сабзи қайта ишланиб, қуритилади. Бу маҳсулотларга МДҲ мамлакатларида талаб, айниқса катта. Бозор эҳтиёжи ўсиши корхонанинг иқтисодий юксалишига таъсир кўрсатмоқда.

Ҳеч нарсага осон эришилмаганидек, корхона ҳам бугунги барқарорликка ўзўзидан эришгани йўқ. Тўқсонинчи йилларнинг бошида корхонага Италиядаги «Сандвик» фирмасининг мева қуритиш ускуналари келтирилган бўлса-да, бир неча йиллар давомида ишлар олдинга силжимади. Тажрибасизлик, бозор иқтисодиётини мукаммал билмаслик, сармоя етишмаслиги туфайли қийинчиликларга дуч келинди. Ҳукуматимизнинг ишлаб чиқаришни ва экспортни рағбатлантиришга оид қатор қарорлари мазкур корхона фаолиятини ҳам жонлантирди. Натижада, Бирлашган Араб Амирликларидан янги технологиялар ва ускуналар келтирилди. Тумандаги хўжаликлар ҳамда аҳоли билан тузилган шартномалар корхонани хомашё билан мунтазам таъминлашга имкон берди. Етакчи мутахассислар ишга жалб этилиб, ишчиларнинг манфаатдорлиги оширилди.

Биринчи марта 2000 йилда 18 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот чет элга жўнатилди. «Булунғур меваси» маҳсулоти овруполик мутахассисларнинг махсус кўригидан ўтказилди ва унга юқори баҳо берилди. Шундан сўнг Польша ва германиялик ҳамкорлар100 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотга буюртма беришди. Мана шу шартнома мажбуриятининг тўла бажарилиши Булунғурдаги корхонани Оврупога танитиб юборди.


— Ишни қатъий интизом асосида ташкил қилганимиз учун кўзланган натижаларга эришяпмиз, - дейди корхона бош директори Носир ака Юсупов.- Ривожланган мамлакатларда шартномавий мажбуриятларни бажармаслик кечирилмас ҳолдир. Шерикларнинг ишончини йўқотиш эса таназзул билан баробар. Шунинг учун барқарор ишлашга, имкон борича сифатли маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга интиляпмиз. Мавсум бошидаёқ 52 тонна пиёзни қуритиб, хорижга жўнатдик. Бундан ташқари, 500 тонна карамни қайта ишлаш мўлжалланган. Умуман, ўтган йилга нисбатан маҳсулот ҳажми 2 баробар кўп бўлади.

Корхонада иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, ишчиларга барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Натижада манфаатдорлик тобора ошмоқда. Жамоа шартномасининг шартлари тўла бажарилишига эришиляпти. Ҳозирги кунда асосий эътибор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган. Хусусан, цехларни иссиқлик, электр қуввати билан таъминлайдиган ёрдамчи бўлинмалар қурилиши жадал давом этмоқда. Мазкур лойиҳа амалга оширилгач, хомашёни ҳам, тайёр маҳсулотни ҳам узоқ вақт сақлаш, бинобарин, корхонани узлуксиз ишлатиш имконияти пайдо бўлади. Маҳсулот сероблиги эса сўзсиз жаҳон бозорида мавқенинг мустаҳкамланишига олиб келади.

**Р.КУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига*





Ўрта Чирчиқ тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қандолат цехида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатидан аҳоли мамнун. Ишчиларга яратилган барча қулайликлар эса иш унумининг юқори бўлишини таъминламоқда. Туман аҳолисининг талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда буюртма асосида қўшимча турдаги неъматлар ҳам тайёрланади. Натижада ўн нафарга яқин ёшлар иш ўринларига эга бўлишди.

**Суратларда: илғор ишчи Шоҳида Ибрагимова; тайёр маҳсулотни қадоқлаш пайти.**

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

## *Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди*

# ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ҲАЛИ ЭРТА

***Бухоро мамлакатимизнинг салоҳияти юксак вилоятларидан бири. Аҳоли зич яшаётган бу ҳудудда иқтисодиётни юксалтириш, мавжуд муаммолар ечимини топиш соҳасида анча ишлар амалга оширилди. Вилоятда макроиқтисодий барқарорликка эришиш чоралари кўриляпти. Биринчи ярим йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 3,2, саноатда 6,6, истеъмол моллари тайёрлашда 6,8, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1,3 фоизга ўсди.***

Хусусийлаштириш дастури бўйича 758 миллион сўмлик акциялар сотилди. Инвестицион фаолият яхшиланди. 4,2 миллион АҚШ долларига тенг чет эл сармоялари киритилди. 5 та қўшма корхона тузилиб, чет эл кредит йўналишлари орқали 1,9 миллион АҚШ долларига тенг 3 та лойиҳани молиялаштириш бошланди. Лекин ишлаб чиқариш кўламини оширишдаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Акциядорлик корхоналарида иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Масалан, Исмоил Фозилов, Бўри Амонов, Нақшбандий номли «Таксимотор саройи» ҳиссадорлик жамиятларининг кўрган фойдаси 2 миллион сўмдан ошгани йўқ. Мавжуд 430 корхонанинг аҳволи таҳлил қилинганда 7 таси таҳликали, 6 таси ночор ва 9 таси шартли банкрот тоифасида эканлиги аниқланди. Солиқнинг акциз тури бажарилмаганлиги боис 6 ойда бюджетга 783 миллион сўм маблағ туширилмади.

Қишлоқларни газлаштириш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бироқ, бу вазифа ичимлик суви бўйича Вобкент, Қоракўл, Ромитан, Жондор, табиий газ бўйича Олот, Когон туманларида бажарилмай қолди. Белгиланган 49 та қишлоқдан фақат 21 тасига ёки 42 фоизига газ қувурлари ётқизилди, холос.

Президентимиз кўрсатиб ўтганларидек, ҳар бир оилада тадбиркор бўлиши ва шу йўл билан халқимизнинг даромадларини оширишга эришишимиз керак. Бу борада Когон шаҳри ва Олот туманларида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

«Вилоятгаз» шўъба корхонаси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги туфайли ҳозиргача бор-йўғи 19 мингта ўлчов асбоблари ўрнатилди ёки топшириқ 8 фоизга уддаланди. Бухоро, Қоракўл, Ғиждувон туманларида фуқароларнинг газ тўловларидан қарздорлиги ошиб боряпти.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Хориж сармояси киритилган 54 та корхонадан 13 таси фаолият кўрсатмаяпти. Акциялари чет элга сотилиши белгиланган 8 та корхонадан 7 тасига хорижий сармоя киритилмаганлиги ташвишли ҳолдир. «Бухоро ипаги», А.Ғиждувоний номли ҳиссадорлик жамиятларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маҳсулотларни четга экспорт қилиш дастури «Ўзпахтасаноатсотиш», «Бухороматлуботсавдо», «Маҳаллий саноат» ҳиссадорлик уюшмаларида бажарилмай қолди.

Жорий йилда вилоятда 331 минг тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Аммо,айрим хўжаликларда оилавий пудратчилар шартнома бўйича ўзларига тегишли донни ололмадилар.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида вилоятда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиши, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ҳамда фойдаланишга топшириш қониқарсиз аҳволда эканлиги танқид қилинган эди. 2001 йилда режалаштирилган 10 та касб-ҳунар коллежидан 5 таси фойдаланишга топширилмади. Ажратилган капитал маблағлар лимити 51 фоизга ўзлаштирилди, холос. Шофиркон, Қоракўл, Қоровулбозор туманларида янги коллежлар қурилиши, Бухоро шаҳрида тиббиёт ва газ саноати коллежлари таъмирланиши пайсалга солинмоқда. 2002 йил дастурига киритилган 1 та академик лицей ва 8 та касб-ҳунар коллежлари қурилишида маблағларни ўзлаштириш қониқарсиз аҳволда.

Айни кунларда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши корхона ва ташкилотларда Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилишининг назоратини ҳар томонлама кучайтириш, меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор бериши лозимлиги таъкидланди.

Ўтган даврда фуқароларнинг меҳнат муҳофазасига оид 70 та ёзма ва оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди ва амалий ёрдам берилди.

Когон туман «Когон» ширкат хўжалигида содир бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланиб ногирон бўлган Ражаб Умаровга етказилган зарар, республика тез тиббий шошилинч ёрдам маркази Бухоро бўлими фельдшери Алишер Норовнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ товон пули суд қарори билан ундириб берилди. Вилоят электр тармоқлари корхонасида жароҳатланиб ногирон бўлган М.Ярашевга бир йўла 320 минг сўм нафақа ва ҳар ойда тўланадиган 32 минг 348 сўм товон пуллари касаба уюшмалари аралашуви билан ундирилди.

Ўтган даврда маошларни тўлаш юзасидан иш берувчиларга 163 та расмий талабнома билан мурожаат этилди ва меҳнаткашларнинг 62 миллион сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Жамоа келишувлари ва шартномаларига биноан нафақага чиққан пенсионерларга ташкилотлар ва касаба уюшмалари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 40 дан ортиқ яккаёлғиз кишиларнинг уйларини таъмирлаш учун 13 миллион 405 минг сўм сарфланди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда 1981 нафар байналмилал жангчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси тиббий кўрикдан ўтказилди, 84 нафари санаторийларга юборилди. Корхоналар томонидан уларга 790 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Тадбиркорлик*

# ХУСУСИЙ ЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИ

*Ҳозирги кунда кимдир тадбиркорлик йўли билан корхона очиб, янги иш ўрни яратаётган бўлса, бошқа биров ақл-идрокини ишга солиб одамлар оғирини енгиллаштирмоқда, кўпчилик дуосини олмоқда ва бу билан жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Поп шаҳрининг Собир Раҳимов кўчасида яшовчи Бахтиёр Ортиқовни ана шундай кишилар тоифасига киритиш мумкин. Касбига садоқати, меҳрибонлиги билан ном чиқарган ва жарроҳ сифатида ўнлаб кишилар дардига дармон бўлган бу йигит ўз маҳалласида хусусий шифохона очишни режалаштирди. Қарабсизки, 10 ўринга мўлжалланган жарроҳлик маркази ишга туширилди. Бу ерда 8 та хонадан иборат, замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган бўлим беморларга беминнат хизмат қилмоқда. Бахтиёр ва унинг рафиқаси, олий маълумотли шифокор Одинахон ҳамда кўп йиллик тажрибага эга ҳамширалар Замира Султонова, Шоҳиста Асқарова, Мастура Файзуллаевалар ўзларининг хушмуомалалиги билан беморларнинг ҳурматини қозонишмоқда.*

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Хонободда Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилганига беш ой тўлди. Қисқа вақт ичида корхона маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинмоқда. Икки томонлама тузилган шартномага кўра бу ерда тайёрланаётган курук лағмондан Қирғизистонга 500 тонна жўнатиладиган бўлди.***

# ФИРМА БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Урумчи шаҳридаги макарон фабрикаси ва Хонободдаги "Меридиан" хусусий корхонаси қўшма корхонанинг таъсисчилари ҳисобланади. Қўшма корхонанинг ишларини ривожлантириш учун ҳар икки томондан 150 минг доллардан маблағ сарфланди. Корхонага Япониянинг "Судзуки-мен" фирмаси лицензияси билан тайёрланган замонавий ускуналар сотиб олинди.

- Корхонанинг кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 50 тоннани ташкил этади, - деди директор Баҳодир Рўзиев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Лекин ҳозирча кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 20 тоннадан ошмаяпти. Шунинг учун ҳам маҳсулотни четга экспорт қилиш орқали унинг ҳажмини кўпайтириш ниятидамиз. Ички ва ташқи бозорни ўрганиш мақсадида маркетинг олиб борилди. Бозорни ўрганиш жараёнида маҳсулот турини кўпайтириш бизга фойда келтиришига амин бўлдик. Эндиликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот 22 турга етказилади ҳамда Қозоғистон, Тожикистон ва Россияга экспорт қилинади.

Б.Рўзиевнинг маълум қилишича, олинган фойда ҳисобидан 300 минг долларлик ускуналар сотиб олинади. Уларни ўрнатиш учун бино ва алоқа тармоқлари тайёрлаб қўйилган.

# КЎПЧИЛИК БИЛИБ-БИЛМАЙДИГАН ИМТИЁЗЛАР

## *Жамоа шартномалари амалда*

Кўпинча меҳнат жамоаларида бўлганимизда — Мустақиллик шароитида касаба уюшмаларининг ўрни ва роли қандай, деган саволни беришади. Ҳозирги пайтга келиб, мазкур ташкилотнинг меҳнаткашлар олдидаги масъулияти ошди, фаолияти ҳам кўп қиррали бўлиб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб қолмоқда. Ушбу муҳим вазифа ўта синалган йўл - тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали амалга ошириляпти. Уларда кўзда тутилган имтиёзларни кафолатлашда эса маъмурият билан ижтимоий шерикчилик тамойили муҳим таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Буларни амалга оширишда Касаба уюшмалари Бандлик, Жамоат ташкилотлари ҳақидаги қонунлар ҳамда Меҳнат Кодексига амал қилган ҳолда фаолият юритмоқда.

Масалан, Меҳнат Кодекси касаба уюшмаси қўмиталарининг ҳуқуқини сезиларли даражада оширди. Эндиликда ҳуқуқи чекланиб, касаба уюшма қўмиталари ёрдамида ишга қайта тикланган меҳнаткашлар ўртасида мазкур жамоат ташкилотининг нуфузи сезиларли даражада ўсди. Шуниси қувонарлики, кўпгина касаба уюшма ташкилотларида юқоридаги қонунлар моҳиятини кенг тарғибот қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашида ҳам фаолиятнинг асосий йўналиши жойларда битимлар ҳамда жамоа шартномаларининг сифатли тузилишига қаратилмоқда. Айни пайтда вилоятда 4 минг 780 та бошланғич ташкилот бўлиб, улардан 4 минг 508 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Уларда 500 минг нафардан зиёд меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқуий манфаатларини ҳимоялаш кафолатланган. Тармоқ касаба уюшма қўмиталари томонидан вилоят, туман ҳамда шаҳар миқёсида тузилган тармоқ битимларининг бажарилиши мунтазам равишда назорат этиб борилмоқда.

Кейинги пайтларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларидаги бандлар аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан аввалгиларидан фарқ қилади. Шунингдек, уларга давр руҳидан келиб чиққан ҳолда янги бандлар киритиш одат тусига кириб бормоқда. Масалан, Аёллар йили муносабати билан «Тошвилоятйўловчитранс» концерни ҳамда касаба уюшма қўмитаси аёлларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида «Аёл» деб номланган жамғарма тузди. Концерн тизимидаги корхоналарда ҳам аёллар учун маош миқдори сақланган ҳолда қисқартирилган иш кунлари жорий этилди. Бекобод автокорхонасида иш куни 2 соатга, Олмалиқ ҳамда Келес автокорхоналарида эса бир соатга қисқартирилди. «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида фарзанд тарбияси учун икки йиллик таътилга чиққан аёллар учун таътил вақтида ҳам барча имтиёзлар сақлаб қолинди.

Бандлик масаласи ҳам вилоят касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Бу борада вилоят меҳнат бошқармаси билан қабул қилинган қўшма қарор муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ташкилотлар ўртасида янги иш ўринлари яратиш борасида ҳамкорлик қилиш учун 2001-2005 йилларга мўлжалланган шартнома тузилган. Жорий йил бошидан буён 5 мингга яқин фуқаро меҳнат бозорига келиб, улардан 3 мингдан зиёди ўзлари ёқтирган касб бўйича ишга жойлаштирилди. Айни пайтда минг нафардан зиёд фуқаро ишсизлик нафақасини олмоқда.

Иш билан таъминлашга ёрдам бериш мақсадида вилоятдаги иш берувчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бунинг натижасида шу кунгача 25 та туман ҳамда шаҳарларда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда корхоналар маъмурияти билан ҳамкорликни кучайтириш ҳам ўзининг яхши самарасини бермоқда. Масалан, вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, автомобил транспорти, агросаноат мажмуи, металлургия ва машинасозлик тармоқларида 1397 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган аёлларга тўланадиган нафақалар миқдори 36 миллион сўмни ташкил этди.

«Трансформатор» ҳиссадорлик жамиятида ҳам беморларнинг даволанишлари учун дори-дармонга кетадиган сарф-харажатнинг 50 фоизини маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасига олган. Санацияга тушган, қайта ташкил этилаётган ҳамда банкрот деб эълон қилинган корхона ишчи-хизматчиларининг амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояланишига ҳам тармоқ касаба уюшма қўмиталари катта эътибор қаратган. Масалан, «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти банкротга учраганлиги туфайли, ишчи-хизматчилар нафақат дивидент даромадларисиз, балки иш ҳақи ҳам ололмай қолгандилар. Лекин, касаба уюшма ташкилотларининг аралашуви натижасида меҳнаткашларнинг иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди. Кейинчалик эса «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти хусусий фирмага айлантирилиб, 250 нафар юқори малакали ишчи ўз ўринларини сақлаб қолдилар.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

***САВОЛ: Мен 26 йилдан ортиқ кон қидирув экспедициясида, яъни шахтада юқори ойлик олиб ишлаганман. Ер ости шахталарида ишлаган ишчиларга қайси тартибда пенсия тайинланади, қандай қўшимча имтиёзлар бор?***

**Меҳмонали ХОЛНИЁЗОВ, Фориш тумани.**




**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарорига асосан кон саноатида ер ости ишларида, шахталарда ишлаган ходимлар 1-, 2-, 3-рўйхатлар бўйича имтиёзли шартларда пенсия олишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Сиз хатингизда қайси касб ёки лавозимда ишлаганлигингизни кўрсатмагансиз. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган 3 та рўйхатнинг қайси бири бўйича имтиёзли равишда пенсия тайинланганлиги номаълум. Лекин қайси рўйхат бўйича пенсия тайинланган бўлса ҳам, пенсия миқдорини аниқлашда қуйидаги 3 босқич қўлланилади.

Сизнинг хоҳишингизга кўра бутун меҳнат фаолиятингиз давридаги кетма-кет келган беш йилликдаги ўртача ойлик иш ҳақингиз олинади. Лекин шуни айтиш жоизки, қанча юқори ойлик иш ҳақи олишингиздан қатъий назар, агар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақингиз, ҳозирги даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан ошиб кетса, юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 31-моддаси пастдан иккинчи хат бошига асосан, пенсияни ҳисоблаб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

(3945x7=27615)

1-босқич — пенсиянинг таянч миқдори. Бу эса ёшга доир тўлиқ пенсия учун ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам пенсиянинг 100 фоизи миқдорида олинади.

2-босқич — иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши. Бунда ёшга доир пенсиялар — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақидан тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун бир фоизи миқдорида оширилади.

3-босқич — пенсияларга қўшиладиган устама ҳақлар. Бу эса Қонуннинг 28-моддасида белгиланган бўлиб, ер ости ишларида, шахталарда ишлаган ходимларга устама ҳақлар бериш назарда тутилмаган.

## АВТОМАШИНАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасида янги автомашиналарни топшириш маросими ўтказилди.

Шу йилнинг етти ойи мобайнида пойтахтда содир этилиши мумкин бўлган 243 та ҳуқуқбузарликнинг олди олинди. Жиноят содир этган қидирувдаги 2725 нафар шахс қўлга олинди. Жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан 1,5 фоизга камайди. Жорий йилнинг шу даврига қадар 69 та автомобил олиб қочиш ҳолати содир этилган бўлиб, шундан 64 таси эгаларига қайтарилди. Ушбу жиноятларни содир этган 50 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Содир этилган жиноятни фош этиш кўп жиҳатдан ҳодиса юз берган жойга тезда етиб боришга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам тезкор гуруҳ вакиллари замонавий техник жиҳозлар ва автомобиллар билан таъминланган бўлиши шарт. Шу мақсадда юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида куну тун хизмат қилаётган ички ишлар ходимларига хизмат вазифаларини янада самарали бажаришлари учун кенг имкониятлар ва қулайликлар яратиб берилмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси томонидан барча тезкор гуруҳлар хизмати, туманлар ички ишлар бўлимлари ҳамда навбатчи қисмлар «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли автомобиллар билан таъминланди.

**«Туркистон-пресс»**

## ТАХИАТОШДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тахиатош шаҳрида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 32 корхона ва ташкилот 124 вакант лавозим ва бўш иш ўринлари билан қатнашди. Иш сўраб мурожаат қилганлар шу ернинг ўзида ишга қабул қилинди.

Меҳнат ярмаркасида 95 киши иш билан таъминланди. Тошкент шаҳридаги қурилишларда ишлаш учун ҳам ишчи ва мутахассислар танлаб олинди.

**(ЎзА).**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ЖАНГАРИЛАР ТОПШИРИЛИШИ КЕРАК

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин Грузияда бўлди. Вазирлар ва бош прокурор билан бўлган учрашувларда президент Чеченистон жангариларининг Россияга топширилишини талаб қилди. Панкис дарасида изғиб юрган маҳаллий ва хорижлик террорчилар яқин кунлар ичида йўқ қилиниши лозим, — деди В.Путин. Шунингдек, у бу ерда бўлганида тўқнашувларда ҳалок бўлган Россия аскарлари оилаларига таъзия билдирди.

## ИМКОНИЯТ ПАЙДО БЎЛДИ

Ироқ ташқи ишлар вазири Нажи Сабри БМТ бош котиби Кофи Аннан номига махсус мактуб йўллади. Унда Ироқни қуролсизлантириш бўйича муаллақ бўлиб қолган муаммо ўртага ташланган. Шу мақсадда мазкур халқаро ташкилотнинг текширув ва тафтиш комиссияси раиси Ханс Бликс ва бир гуруҳ мутахассислар Ироққа таклиф этилди. Шу тариқа Ироқ АҚШни мамлакатга ҳужум қилиш имкониятидан маҳрум этиш ниятида.

## ТОЛСТОЙ АВЛОДЛАРИ ЙИҒИЛГАНДА

«Ясная поляна» музей-қўриқхонасида машҳур ёзувчи Лев Толстой авлодларининг йиғилиши ўтказилди. Уни ташкил этишда музей-қўриқхона директори Владимир Толстойнинг саъй-ҳаракатлари катта бўлди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган юзга яқин меҳмонлар Никольский ибодатхонаси ва Толстой авлодларининг хилхонаси жойлашган Кочаков қўрғонида бўлдилар. Тиловат қилиниб, ўтганлар руҳи эсланди.

Йиғилиш бир ҳафта давом этди. У Софья Андреевна ва Лев Николаевичлар никоҳининг 140 йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Тантаналар Тула вилоятида, адибнинг Никольское-Вяземскдаги дала ҳовлисида ҳам давом этди.

## 97-САФАР ТУГАДИ

Рим папаси 82 ёшли ҳазрат Иоан Павел II ўзининг Мексика мамлакатига қилган сафарини ниҳоясига етказди. Икки кунлик ташриф давомида Рим католик черковининг муфтийси Канада, Гватемала ва Мексикада бўлди. Мексика сафари 1979 йилдан буён амалга оширилган 97-сафар эди. Демак, одамлар понтификни бежиз «Сайёҳ-папа» дейишмас экан-да. Хайрлашувга келганлар Иоан Павел IIни гуллар, мусиқалар ва кўз ёшлари билан кузатиб қолдилар.

## ТИНЧЛИК БУЗИЛДИ

Анчадан бери Афғонистонда нисбатан тинчлик ҳукм сураётган эди. Лекин куни кеча бу ҳолат бузилди. Мамлакат жанубида рўй берган қуролли тўқнашув натижасида камида 50 киши ҳалок бўлди. Жанжал мазкур минтақада истиқомат қиладиган пуштун ва тожик қабилалари ўртасида келиб чиқди. Ҳукумат маъмурлари вазиятни изга солиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

## ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Фаластиннинг Исроил билан чегарадош Урдун дарёси соҳилларида ҳарбий ҳолат кундан-кунга ёмонлашмоқда. Қуролли тўқнашувлар бўлиб турибди, уларда турли хил ҳарбий аслаҳалардан фойдаланилмоқда. Боз устига фаластинлик фидойиларнинг одамлар гавжум жойларда ўзини-ўзи портлатиб юборишлари давом этмоқда. Куни кеча ана шундай кимса Хайфадан чиққан, йўловчилар тушган автобусни портлатиб юборди. 10 нафардан зиёд одам нобуд бўлди, қатор кишилар касалхонага ётқизилди.

## ЖАНУБИЙ САХАЛИНДА ЗИЛЗИЛА

Куни кеча Россиянинг Жанубий Сахалин минтақасида ер қимирлади. Унинг кучи Рихтер жадвалида деярли 5 даражага етди. Воқеа содир бўлган жойга зилзила натижасида вужудга келган оқибатларни ўрганиш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар жўнаб кетди.






# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ ВА ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

***Тармоқ ходимларини, шунингдек, барча бунёдкорларни касб байрами — Қурувчилар куни билан самимий муборакбод этади!***



***Жондан азиз Ватанимиз — хур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги барча сай-ҳаракатларингиз баридан келсин!***



*Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги олдидан*

# ҲОЖИ МУҲАММАДНИНГ ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТИ

***Амир Темур ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда олимлар, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахслардан ўринли фойдаланган, уларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимларда ишлаш билан бор қаторда элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Шундай шахслардан бири Хожи Муҳаммад Кешийдир. У Амир Темурнинг элчиси сифатида 1402 йилда Испанияга бориб, у ерда маълум муддат турган.***

Бу пайтда Соҳибқироннинг шуҳрати бутун Европага ёйилган эди. Анқара жангидан кейин Кастилия ва Леон (Испания) қироли Ҳейнрих III (1390-1407) Амир Темур ҳузурига икки элчи юборади. Пайя де Сатомайор ва Герпен Санчес вазиятни ўрганиши, Шарқда пайдо бўлган янги кучли давлат - Темурийлар салтанати билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга интилишлари керак эди. Амир Темур ҳузурида элчилар ўзига хос ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинадилар. Гарчи Соҳибқирон Ибн Халдун ва бошқа сайёҳлардан Испания ҳамда унга қўшни мусулмон Гренада давлати ҳақида кўп нарса эшитган бўлса-да, элчилардан ўзини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олади. Элчиларни кузатиш пайтида уларга қўшиб Ҳожи Муҳаммад Кешийни ҳам Испанияга жўнатади. Ҳожи Муҳаммад дўстона руҳда ёзилган мактуб, турли хил қимматбаҳо совғалар билан бирга Боязид Йилдирим ҳарамида бўлган икки масиҳий аёлни ҳам олиб боради. Бу билан Амир Темур ўзининг масиҳийларга бўлган хайрихоҳлигини, салтанатида барча динлар учун эркинлик борлигини амалда исбот этмоқчи бўлади. Зеро, Амир Темур диний қарашларидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг кенгайиши тарафдори эди. Худди шу фикр Соҳибқироннинг Англия ва Франция қиролларига йўллаган мактубларида ҳам акс этган.

Ҳожи Муҳаммад Кастилия қироли саройида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. У саройдаги қабуллар ва йирик зодагонлар қасридаги зиёфатларда иштирок этади. Халқнинг тили ва урф-одатларини ўрганади. Табиийки, Кастилия ва унга қўшни Оврупо давлатларининг куч-қудрати, ўзаро алоқалари хусусида ҳам маълумотлар йиғади. Бу мамлакатда бир неча ой қолиб кетади. Ҳейнрих III унга 1403 йилнинг май ойида қайтишга рухсат беради. Энди унга қиролнинг иккинчи элчилиги вакиллари - Фрай Альфонса Паэз де Санти Мария, илоҳиётшунос Гомес де Салазар ва Рюи Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлик қилади.

Элчилар узоқ машаққатли йўлни босиб ўтадилар, кўплаб хатарларни бартараф этадилар. Дастлаб улар Амир Темур Кичик Осиёда ёки Қорабоғда турган пайтида унинг ҳузурига киришни режалаштирадилар. Аммо Константинополь (Истанбул)дан Трапезундага келаётган кема Қора денгизда ҳалокатга учрайди. Улар бир амаллаб қирғоққа чиқиб оладилар. Ҳожи Муҳаммад испанияликлар кийимини кийиб олишга мажбур бўлади. Чунки йўлда Боязид Йилдиримнинг қочган аскарлари ва турли-туман қароқчилар кўп эди. Қулай йўл тополмаган элчилар яна Константинополга қайтишга мажбур бўладилар ва 1403-1404 йил қишини шу шаҳарда ўтказадилар.

1404 йилнинг баҳорида элчилар яна сафарларини давом эттирадилар. Трапезунд билан Арзинжон оралиғидаги тоғларда бир неча бор қароқчиларга дуч келадилар ва улардан бир амаллаб қутуладилар. Ҳарқалай, Арзинжондан кейин сафар осонлашади. Клавихонинг ёзишича, бундан кейинги карвон йўллари Амир Темур аскарлари томонидан қўриқланар, турли бекатлар - ёнларда одамлар учун озиқ-овқат, улов учун емиш мўл эди. Чарчаган отлар янгисига алмаштириларди.

Табриз шаҳрига келганларида уларга Миср давлати элчилари ҳам қўшилади. Улар отаси ўрнига тахтга чиққан янги султон Фаражнинг мактуби ва ҳадяларини олиб келмоқда эдилар. Ҳадялар ичида қимматбаҳо совғалар билан бирга, жирафа, туяқуш сингари ғаройиб ҳайвонлар ҳам бор эди. Хабарчилар Амир Темурнинг Самарқандга йўл олганлигини маълум қиладилар. Элчилар ҳам изма-из йўлга тушадилар.

Султония шаҳрида уларни шаҳзода Мироншоҳ қабул қилади ва гўзал боғда элчилар шарафига зиёфат беради. Испания ва унга қўшни давлатлар ҳақидаги вазият ҳақида сўраб-суриштиради. Клавихо шаҳзодани 40 ёшлар атрофидаги, барваста, бироз тўлишган, бод касали анчагина қийнаб қўйган шахс сифатида тасвирлайди.

Яна бир неча кундан кейин сафар давом эттирилади. Йўл азоби - гўр азоби, деганлари бежиз эмас. Ҳамроҳлардан бири - Гомес де Салазар Нишопур шаҳрида иситма касалидан вафот этади. Ҳожи Муҳаммад ва ҳамроҳлари уни дафн этиб, яна йўлга тушадилар. Балх шаҳри яқинида Амударёдан ўтиб, аввал Термизга, сўнгра Шаҳрисабзга етиб келдилар. Оқсаройнинг маҳобати Клавихони ҳайратга солади. У саройнинг ички ва ташқи кўриниши, безакларини тасвирлар экан, ҳамон қурувчилар сўнгги пардозлаш ишларини олиб бораётганликларини қайд этади. Ниҳоят, элчилар 1404 йилнинг август ойида Самарқандга етиб келадилар.

Пойтахт шаҳрида кастилиялик элчилар бироз ҳордиқ чиқарадилар, Миср, Хитой ва бошқа давлатларнинг элчилари билан бирлаган Соҳибқиронга топширадилар. Анча кексайиб қолган Амир Темур элчиларни яқинроққа олиб келишни буюриб, уларга синчковлик билан тикилади, Кастилия қиролининг соғлиги ва ишлари ҳақида сўрайди. Сўнгра элчилар зиёфатга таклиф этиладилар. Клавихо ўз кундаликларида зиёфат жараёнини батафсил тасвирлайди.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн Ҳелонифонтибуслар ана шундай вазифаларни адо этишган. Масалан, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. У Амир Темур, унинг зафарли юришлари, адолатли сиёсати ҳақида рисола ҳам ёзган. Мусулмон дипломатларидан фақат Ҳожи Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**

*Истеъдод*


## ЖАЖЖИ МЎЙҚАЛАМ СОҲИБЛАРИ

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида "Мафтункор ранглар дунёси" номли кўргазма ўтказилди. Кўргазма Жанубий Кореянинг "Ёнграк" гуманитар жамғармаси ҳамда Республика "Ногиронлар" жамияти томонидан ташкил этилди.

- Етти йилдан бери мамлакатимиз миқёсида истеъдодли ногирон болалар ўртасида "Мафтункор ранглар дунёси" деб номланган кўргазма ўтказилиб келинаяпти, - деди "Ногиронлар" жамияти раиси Содиқ Убайдуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазмада иштирок этувчи болалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йилги кўргазмада ҳам Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан жами 74 нафар бола иштирок этди.

Инсон ҳар доим гўзалликка интилиб яшайди. Ногирон болалар чизган расмларда мана шу гўзалликни илғаб олиш унчалик қийин эмас. Уларнинг жисмоний имкониятлари бошқаларникига қараганда камроқ бўлса-да, болаларнинг қалби ва ақли ривожланганлиги улар чизган расмларда яққол намоён бўлиб турибди. Улар ҳаётга, дунёга бошқача кўз билан қарашади. Шунинг учун ҳам ушбу расмларда қувонч акс этиб турибди. Бу болаларга ачиниш ҳисси билан қараш керак эмас. Акс ҳолда уларнинг нозик қалбини ўкситиб қўямиз. Уларга имконият яратиб бериш зарур. Ана шунда ёш рассомлар турли кўргазмаларда ўз имкониятларини тўлалигича намойиш қилишлари мумкин.

Кўргазма иштирокчилари уч соат давомида ўзлари хоҳлаган мавзуда расм чизишди. Ушбу асарларда кимдир она диёримизнинг гўзал табиатини чизган бўлса, яна кимнингдир инсониятни қийнайдиган муаммоларга бефарқ эмаслигини кўрасиз.



*Илм масканлари ҳаётидан*

## АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

***Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, улар фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги ҳамда «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, маблағ билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорлари талабларини бажариш юзасидан республикамиз ўрта махсус таълим муассасаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Хива қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ҳам билимдон мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.***

Ўқув масканида 3 нафар фан номзоди, 13 нафар олий тоифали, жами 38 нафар ўқитувчи, 43 нафар малакали ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ўқитиш, касб-ҳунар ўргатишнинг янги педагогик технологиялари амалиётга самарали жорий этилмоқда. Эътиборга молик иш тажрибаларини оммалаштириш, ўқитувчиларнинг республикамиздаги энг нуфузли илм даргоҳларида ўз малакаларини ошириб, тажриба алмашиши яхши анъанага айланган. Коллеждаги фан кабинетлари энг охирги нусхадаги техник жиҳозлар — 34 та компьютер, 4 та «Радуга» киноаппарати, 4 та «Лектор-600», «Сватиз» диопроектори, кодоскоп кабилар билан таъминланганлиги ўқувчилар билимини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу каби тадбирлар ўқув масканида жаҳон андозаларига мос таълим тизимини яратиш имконини бераяпти.

Қайд этиш жоизки, автомобиллардан фойдаланиш ва таъмирлаш йўналишларида олиб борилаётган амалий-назарий ишлар, айниқса, ибратлидир. Ўқувчилар ҳар йили «Автомобилни бошқариш бўйича энг яхши касб эгаси» вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Ёшлар ҳаётини жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этиш қийин. Модомики, сўз спорт, соғлом авлод баркамоллиги хусусида кетар экан, давлатимиз раҳбарининг «Истардимки, инсоннинг уйғун ривожланишида спорт ҳал қилувчи восита бўлсин» деган сўзларини эслаб ўтиш ўринлидир. Қувонарлиси, бу ерда ана шу кўрсатмага оғишмай амал қилинаётир. Спортнинг ўнта тури, айниқса, футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, стол тенниси бўйича тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади. Ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ҳафтанинг икки кунида фаолият кўрсатаётган 8 та тўгаракка 167 нафар ўқувчи жалб этилган.

— Аҳил жамоамиз олдида ягона эзгу мақсад бор: ўқувчиларимизга янги таълим стандартлари асосида таҳсил бериш ва ҳунар ўргатишни янада такомиллаштириш, — дейди коллеж раҳбари, ҳунар-техника таълими аълочиси Мақсуд Сафоев. — Шу мақсад йўлида айни пайтда янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўраяпмиз.

Дарвоқе, коллеж директори бироз камтаринлик қилди: ўқув масканидаги яна кўплаб ибратли жиҳатлар хусусида тўхталмади. Масалан, коллеж кутубхонаси хусусида. Ҳозирги кунда умумий китоб фонди 9222 тани, китобхонлар сони эса 636 нафарни ташкил этади. Муҳими, кутубхонада кўплаб тадбирлар ўтказиб турилади. «Сиз қонунни биласизми?», «Имом Мотуридий меросининг моҳияти», «Муқаддас китоб «Авесто»нинг яратилиши» мавзуларидаги адабий кечалар, суҳбат ва кўрик-танловлар ёшлар қалбида буюк меросимиз, бой маънавиятимизга ҳурмат, Ватанга садоқат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилаётир.

**Р.РЎЗМЕТОВ, Н.АБДУРАҲМОНОВА.**

## ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Атоқли бастакор Толибжон Содиқов номидаги Тошкент шаҳар халқ филармонияси концерт дастури янги қўшиқ ва мусиқа асарлари билан бойиб бормоқда. Филармония қошида тузилган ижодий гуруҳларнинг чиқишлари ҳам томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда.

Яқинда Рус халқ чолғу асбоблари оркестри томонидан тайёрлаб, намойиш этилган янги концерт дастури ҳам мусиқа санъати шинавандаларида яхши таассурот қолдирди. Ушбу дастурдан ўзбек, рус, украин халқ қўшиқ ва куйлари ўрин олди.

Концертда Украин фольклор ансамбли ҳам ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилди.

Мусиқа шинавандаларига «Ўзбекистон», «Ўйнанг, қизлар» каби ўзбекча қўшиқлар ҳам манзур бўлди. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги олдидан уюштирилган бу маданий тадбирда яна қатор бадиий жамоалар қатнашди.

**А.АЛИЕВ**

*Ҳурмат қилсанг - иззат топасан*

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан шаҳримиз транспортчиларига ҳам катта қулайликлар яратиб берилмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган дастур доирасида кекса транспортчиларга алоҳида эътибор бериш тадбирлари кўрилмоқда.

## ОРОМГОҲ ҚАРИЯЛАР ИХТИЁРИДА

Уюшмага қарашли «Автомобилчи» болалар оромгоҳидан пенсионер ва меҳнат фахрийларининг мириқиб дам олишлари учун фойдаланиш ҳам режалаштирилди. Шунга кўра бу оромгоҳ ёзги таътил тугаши билан қариялар ихтиёрига берилади.

Нуронийларнинг дам олиш мавсуми янада мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида сўлим гўшада қўшимча қурилишлар олиб борилади. Оила аъзолари билан дам олишга келганлар учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилади.

Бир пиёла чой баҳонасида кўнгилочар давра суҳбатлари, қизиқарли маданий тадбирлар уюштирилади.

Қарияларнинг дам олиш мавсуми кеч кузгача давом этади.

**А.АКБАРОВ.**

## ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР

Наманганда бокс бўйича тўртинчи халқаро турнир якунланди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой ва Сурия «чарм қўлқоп» усталари иштирок этди.

Мусобақани ўтказилишдан мақсад - Фарғона водийсида боксни ривожлантириш ва оммалаштириш, спортчиларни йирик халқаро мусобақаларга тайёрлашдир.

Давлатобод туманидаги «Тўқимачи» саройи рингидаги баҳсларда ўн учта вазн тоифаси бўйича кучлилар аниқланди. Совринли ўринларнинг аксариятини ўзбек спортчилари эгаллади. Ғолибларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

*Турфа олам*

## ИККИ БОШЛИ БУЗОҚ

Гондурас аҳолиси ноёб ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Агуа-Бланка қишлоғида икки бошли бузоқ дунёга келди.

Аввалига қишлоқ аҳли Адан Росалиснинг сигири афсонавий махлуқ туққани ҳақидаги яшин тезлигида тарқалган хабарни кимнингдир ҳазили, деб ўйлади. Лекин инсон барибир қизиқувчан - Росалис уйининг олдида оз-оздан йиғилган бекорчилар зум ўтмай катта оломонга айланди. Икки бошли бузоқ туғилгани ҳақидаги овоза тезда пойтахтга ҳам етиб борди. Узоқ куттирмасдан журналистлар, қўлида кинокамераси билан телеоператорлар ҳозиру нозир бўлди.

Ҳангу манг турган бечора деҳқон эса ўзига ёғилаётган саволларга жавоб бериб улгурмасди. Ахийри у ғалванинг асл сабабчисини олиб чиқиб одамларга кўрсатишга мажбур бўлди. Оломон олдида икки бошли бузоқнинг жасади турарди.

Бир неча ой аввал Росалис бозордан сигир сотиб олган эди. Яхши ният билан у сигирини Бонита деб атади. Буни қарангки, икки ой ўтмай Бонита болалади. Мол эгасининг айтишича, кечаси туғилган бузоқ бошини онаси қорнидан чиқара олмагач, эгасининг ўзи уни тортиб олишга мажбур бўлган. Бузоқ туғилганда эса, деҳқон ҳайратдан ёқа ушлаб қолган. Не кўз билан кўрсинки, жониворнинг боши иккита эди. Бузоқ аввалига гавдасини тута олмаган. Сал фурсат ўтиб, иккала бош ҳам барча янги туғилган бузоқлар каби мўъраган. Афсуски, орадан ярим соат ўтиб, ўлиб қолган.

Гарчи, оддий одамлар ҳайратга тушса-да, бундай воқеалар фан учун янгилик эмас. Шифокорлар тили билан айтганда, нуқсон билан туғилиш ҳолати паталогиядир. Бузоқнинг ортиқча бош билан дунёга келиш ҳодисаси эса фанда аномалия деб аталувчи ҳодисалар турига киради. Бундайлар узоқ яшамайди. Росалиснинг бузоғи тушган сурат эртаси куни барча маҳаллий газеталарнинг биринчи саҳифасини эгаллади. Бироқ ғаройиб бузоқ ўз шуҳратини кўра олмади.

(ЎзА).

## БОЛАЛИК УЙ – БОЗОР

*Ним табассум*

— Хўш, ўғлим, биринчи дарс қандай ўтди? - сўради илк бор мактабга борган ўғлидан ота.

— Унчалик эмас, дадажон, эртага яна боришимиз керак экан.

* * *

— Онажон, менга бироз пул беринг!

— Пулни нима қиласан?

— Пастда бир киши анчадан бери музқаймоқ деб бақираяпти.

* * *

— Ҳали ҳам ётибсанми, дангаса. Уялмайсанми?! - деди она кроватда ястаниб ётган ўғлига.

— Ойижон, бироздан кейин уялсам майлими? - жавоб берди дангаса ўғил.

* * *

Кичкинтой Франц жағини бойлаб олган ҳолда тиш доктори қабулига кирди:

— Жаноб доктор, ойим мени ҳузурингизга соат неча бўлганлигини билиш учун юборган эди...

* * *

— Ўғлим, сени яхши кўрганимдан жазолайман,- деди меҳрибонлик билан ота.

— Йўқ дадажон, шунчалик муҳаббатингизга лойиқ эмасман.

* * *

— Нега ёмон баҳо олдинг? Ўқитувчининг саволини тушунмадингми? - сўради ота мактабдан «икки» баҳо олиб қайтган ўғлидан.

— Йўқ, дадажон. Ўқитувчи менинг жавобимни тушунмади, - деди ўғли.

**Немисчадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 21.20

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 719.

1 2 3 4 5 6